



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
келажаги  
буюк  
давлат

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2025 йил 21 май, № 102 (8997)

Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



## ЎЗБЕКИСТОН — ВЕНГРИЯ: СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК ВА КЎП ҚИРРАЛИ ҲАМКОРЛИК ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Венгрия Бош вазири Виктор Орбаннинг таклифига биноан расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлиб турибди.



Президент Шавкат Мирзиёевнинг Будапештга расмий ташрифи 20 май куни Венгриянинг йирик компания ва банклари раҳбарлари билан учрашувдан бошланди.

Венгрия томонидан “OTP Bank”, “BDPST Group”, “4iG”, “Indotek”, “MVM”, “Duna Group”, “MOL Group”, “H2O Consortium”, “Inpark”, “Wizz Air” ва бошқа кўплаб компанияларнинг топ-менеджерлари ва таъсисчилари иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида расмий ташриф Венгрия ишбилармонлари билан учрашувдан бошланаётгани рамзий маънога эга эканини таъкидлади.

Венгриянинг Ўзбекистон иқтисодиётига тўғридан-тўғри инвестициялари жадал ўсиб бораётгани мамнуният билан қайд этилди. Масалан, “OTP Bank” Ўзбекистоннинг йирик банкларидан бирини сотиб олиб, мамлакатимиз молия бозорига барқарор ўрин эгаллади.

Компаниянинг автокредитлашни ривожлантириш учун қўшма компания ташкил этиш, бизнесни молиялаштириш дастурини йўлга қўйиш, йирик паррандачилик кластерини қуриш бўйича янги режалари қўллаб-қувватланди.

Саноат кооперациясини кенгайтириш ва илгор технологиялар трансферини рағбатлантириш мақсадида Тошкент вилоятида Европа компаниялари учун махсус саноат зонаси ташкил этилмоқда. Ушбу ҳудудни бошқариш Венгриянинг “Inpark” операторига берилади.

Иқтисодий шерикликни кенгайтириш мақсадида Ўзбекистон Президенти қатор устувор йўналишларни кўрсатиб ўтди. Қўшма лойиҳаларни биргаликда молиялаштириш ва тайёр маҳсулотларни учинчи мамлакатларнинг истикболли бозорларига экспорт қилишни қўллаб-қувватлаш шулар жумласидан.

Транспорт жиҳатидан ўзаро боғлиқликни кучайтириш, хусусан, юк ташишни кўпайтириш ва икки мамлакат ўртасида тўғридан-тўғри авиақатновларни ривожлантириш муҳимлиги таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари Венгрия компанияларининг қўшма лойиҳаларни амалга оширишга қизиқишини юксак баҳолади. Ўз навбатида, бизнес вакиллари ҳамкорликни кенгайтириш бўйича таклиф ва режаларини билдирди.

Учрашувда транспорт ва йўл инфратузилмасини модернизация қилиш, логистика марказ-

лари ва коммунал тармоқларни барпо этиш, қурилиш материаллари, тайёр тўқимачилик, кимё, фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқариш каби йўналишларда янги лойиҳаларни амалга ошириш бўйича келишувларга эришилди.

Сўзининг якунида давлатимиз раҳбари бундай учрашувларни мунтазам ўтказиб боришни таклиф этди.

— Биз мамлакатларимиз ишбилармон доиралари ўртасидаги мустаҳкам алоқаларни ривожлантириш учун барча шароитларни яратамиз, — деди Ўзбекистон Президенти.

Тадбир якунида давлатимиз раҳбари ҳузурида устувор инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича битимлар алмашиш маросими бўлди.

Расмий таширфининг ишбилармонлик дастури доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев “OTP Bank Group” директорлар кенгаши раиси Шандор Чаньйи билан учрашув ўтказди.

Банкнинг мамлакатимиз банк-молия бозоридagi фаолияти 2023 йилдан буён жадал ривожланиб бораётгани мамнуният билан қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари автокредитлашни ривожлантириш ва

бизнес лойиҳаларини молиялаштиришга доир қўшма дастурларни олқишлади.

Паррандачилик кластерини ташкил этиш бўйича йирик лойиҳани тез фурсатда амалга ошириш муҳимлиги қайд этилди.

Тошкент вилоятидаги саноат паркида Венгрия компаниялари лойиҳаларини илгари суриш ва қўллаб-қувватлаш устувор йўналиш сифатида қайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Будапешт шаҳрига расмий ташриф доирасида Венгрия Миллий мажлиси спикери Ласло Кёвер билан учрашув ўтказди.

Ўзбекистон — Венгрия стратегик шериклик муносабатларини, шу жумладан, парламентлараро йўналишда янада ривожлантириш масалалари кўриб чиқилди.

Икки мамлакат парламентлари делегацияларининг ўзаро ташрифлари ва учрашувлари фаоллашгани мамнуният билан қайд этилди. Жорий йил апрель ойида Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган Парламентлараро Иттифоқнинг 150-юбилей ассамблеясида Миллий мажлис спикери ўринбосари Янош Латорцаи иштирок этди. Йил якунига қадар Венгрия парламенти спикери ўринбосари ва Иқтисодиёт

қўмитаси раҳбарининг Ўзбекистонга, мамлакатимиз парламент делегациясининг Будапешт шаҳрига ташрифи амалга оширилади.

Имзоланган битимларни амалга оширишга қўмаклашиш, дўстлик гуруҳлари ишини фаоллаштириш, энг аввало, ҳудудларни ривожлантириш, ижтимоий ҳимоя, солиқ ва рақамлаштириш соҳаларида қонун ижодкорлиги бўйича тажриба алмашиш учун тегишли қўмиталар ўртасида алоқаларни йўлга қўйиш муҳимлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Шундан сўнг “Кармелита” саройида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Венгрия Бош вазири Виктор Орбаннинг тор доирадаги ва расмий делегациялар иштирокидаги музокаралари бўлиб ўтди.

Ўзбекистон — Венгрия стратегик шериклик ва кўп қиррали ҳамкорлик муносабатларини янада мустаҳкамлаш масалалари кўриб чиқилди.

Давлатимиз раҳбари Венгрия етакчисига Будапешт шаҳрида Ўзбекистон делегациясига кўрсатилаётган самимий қабул учун миннатдорлик билдирди.

Амалий ҳамкорлик барча йўналишларда изчил ривожланиб бораётгани мамнуният билан қайд этилди. Парламентлар, ҳукуматлар, идора ва ҳудудлар даражасида самарали алоқалар йўлга қўйилган. БМТ, Туркий давлатлар ташкилоти ва бошқа халқаро тузилмалар доирасида яқин ҳамкорлик қилинмоқда.

Ўзаро савдо ҳажми ортмоқда, иқтисодиётнинг турли тармоқларида етакчи корхоналарнинг кооперацияси кучаймоқда. Товар айирбошлаш ҳажмининг, шу жумладан, импорт ўрини босиш ва “GSP+” мақоми ҳисобига биринчи босқичда 500 миллион еврога етказиш муҳимлиги қайд этилди.

Шу мақсадда лабораториялар Европа Иттифоқи талабларига мувофиқ аккредитациядан ўтказилади, товарларни олдиндан сертификатлаш дастури ва экспорт қилувчи компанияларга қўмаклашиш бўйича қўшма платформа ишга туширилади.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда қўшма инвестиция лойиҳалари портфели 500 миллион долларни ташкил этади. Бу галги ташриф учун яна 1,5 миллиард евролик янги лойиҳалар тайёрланган.

Венгриянинг “OTP” банки Ўзбекистон молия бозорига чиққан Венгрия ва Европа бизнеси учун қучли рағбат бўлгани таъкидланди. Банк билан молиялаштириш воситаларини кен-

гайтириш бўйича келишувга эришилди. Автокредитлашни ривожлантириш учун қўшма компания ташкил этиш ва бизнесни қўллаб-қувватлаш дастурини ишга тушириш шулар жумласидан. Сирдарё вилоятида паррандачилик кластерини ташкил этиш ҳам фаол босқичда.

Эрталаб ишбилармон доиралар вакиллари билан бўлиб ўтган учрашувда транспорт инфратузилмасини модернизация қилиш, автомобиль йўллари ва логистика марказларини қуриш, коммунал тармоқларни ривожлантириш, тайёр тўқимачилик маҳсулотлари, қурилиш материаллари, кимёвий товарлар, фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқариш, рақамли технологиялар, балиқчилик каби соҳаларда янги лойиҳаларни амалга ошириш бўйича келишувларга эришилди.

Бундай ишлаб чиқаришларни Ўзбекистонда жойлаштириш учун Венгриянинг “Inpark” оператори бошқарувида Европа компаниялари учун махсус саноат зонаси ташкил этилаётгани таъкидланди.

Умуман, жорий йил июль ойида Будапешт шаҳрида бўлиб ўтадиган Ҳукуматлараро комиссиянинг навбатдаги йиғилишида Инвестициявий шериклик дастурини тайёрлаш ва қабул қилишга келишиб олинди.

Шунингдек, Ўзбекистон — Венгрия Ишбилармонлар кенгаши фаолиятини қайта тиклаш ва яқин фурсатда унинг навбатдаги йиғилишини бизнес вакиллари кенг иштирокида ўтказиш таклиф қилинди.

Будапешт шаҳрида бўлиб ўтган музокаралар якунида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Венгрия Бош вазири Виктор Орбан Кенгайтирилган стратегик шериклик муносабатларини ўрнатиш тўғрисидаги қўшма декларацияни имзоладилар.

Шунингдек, етакчилар ҳузурида қабул қилинган ҳукуматлараро ва идоралараро қатор ҳужжатлар, жумладан, Экстрадиция тўғрисидаги шартнома, Иқлим ўзгарishi соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим, табиий офатларни бошқариш, илм-фан ва инновациялар, тинч атом соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги идоралараро келишувлар алмашилди.

Ўтган йил октябрь ойида Қўқон шаҳрида ўтган биринчи Ҳудудлар форумининг самарали натижалари мамнуният билан қайд этилди. Ҳудудлараро алоқаларни рағбатлантириш мақсадида Венгрияда иккинчи форумга пухта тайёргарлик

қўриш юзасидан келишувга эришилди.

Ишбилармонлик, туризм ва маданий алмашинувларни фаоллаштириш мақсадида икки мамлакат ўртасида тўғридан-тўғри авиақатновларни ривожлантириш масалалари ҳам кўриб чиқилди.

Маданий-гуманитар соҳадаги амалий ҳамкорликни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Ўтган йилнинг октябрь ойида Лакителек шаҳрида буюк шоир Алишер Навоий бюсти очилди. Жорий йилнинг январь ойида Будапештда Ўзбек киноси кунлари ўтказилди.

Келгуси йилни “Ўзбекистон ва Венгрия маданияти йили” деб эълон қилиш таклифи билдирилди. Венгрия давлат опера театри сахнасида “Лазги” балетини сахналаштириш ва Будапештдаги Этнография музейида ўзбек маданияти кўргазмасини ўтказишга тайёргарлик қўрилмоқда.

Таълим алмашинуви бўйича “Stipendium Hungaricum” дастури доирасидаги ҳамкорлик давом эттирилади. Шунингдек, икки мамлакатда тан олинадиган дипломлар бериш тизимини жорий этиш ва мамлакатимизда Венгрия олий таълим муассасаларининг филиалларини ташкил этиш имкониятлари кўриб чиқилди.

Шу маънода, жорий йилда Тошкент шаҳрида Ўзбекистон ва Венгрия ректорларининг учинчи форумини ўтказиш таклиф қилинди.

Етакчилар халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилди. Терроризм, экстремизм, наркотик моддаларнинг ноқонуний айланмаси, одам савдоси ва хавфсизликка таҳдид солаётган бошқа замонавий хатарларга қарши курашиш борасидаги ҳамкорликни давом эттириш муҳим экани таъкидланди.

Эришилган келишувлар ижроси устидан назорат ўрнатиш мақсадида мутасадди вазирликларга қўшма “Йўл харитаси”ни тайёрлаш топширилди.

Учрашув якунида Президент Шавкат Мирзиёев Бош вазир Виктор Орбани жавоб ташрифи билан Ўзбекистонга келишнинг таклиф этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Венгрияга расмий ташрифи давом этмоқда.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

### Акс садо

## ХАЛҚЛАРИМИЗНИНГ ТАРИХИЙ ИЛДИЗЛАРИ МУШТАРАК

Венгрия Ўзбекистоннинг Марказий Европадаги энг муҳим шерикларидан бири ҳисобланади. У иқтисодий жиҳатдан анча жадал ривожланаётган аграр-саноат мамлакатидир. Ўзбек ва венгер халқларини муштарак тарихий илдизлар, яқин ҳамкорлик ришталари боғлаб келади.

Венгрия Бош вазири Виктор Орбаннинг таклифига биноан давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг расмий ташриф билан ушбу мамлакатга боргани икки юрт ўртасида ўзаро ҳурмат даражаси юқори эканидан далolat. Ўзбекистон ҳам, Венгрия ҳам дўстона шерикликни кенгайтиришдан манфаатдор эканини алоҳида эътироф этиш керак.

Ташриф доирасидаги музокаралар жараёнида турли йўналишларда, хусусан, сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, молиявий-техник ва маданий-гуманитар соҳалардаги муносабатларни ривожлантириш истикболлари кенг муҳокама қилинди. То-

монлар икки мамлакат бозорларига маҳсулотлар етказиб беришни кенгайтириш, саноат кооперациясини қучайтириш, олий таълим, спорт, фармацевтика, қишлоқ хўжалиги, чорвачилик, балиқчилик, картошқачилик ва бошқа соҳаларда аниқ лойиҳаларни амалга оширишга келишиб олдилар.

Эътиборга молик жиҳати, Ўзбекистон — Венгрия кўп қиррали ҳамкорлик дастурларига киритиладиган мазкур келишувлар ижросини таъминлаш учун масъул алоҳида лойиҳа менежерлари бириктирилиб, ҳар бир босқични амалга оширишни назорат қилиш механизми жорий этилади.



## БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШНИНГ ЯНГИ ДАВРИ

Шу кунларда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Венгрияга амалга ошираётган расмий ташрифи икки мамлакат ўртасидаги муносабатларни янги босқичга олиб чиқишга қаратилган муҳим сиёсий воқеа сифатида тарихга кирмоқда. Ташриф нафақат сиёсий-иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлаш, балки маданий-гуманитар ҳамкорликни янада ривожлантириш имкониятини ҳам яратади, десак, янглишмаймиз.

Қайд этиш керакки, Марказий Европада жойлашган Венгрия давлати 93 минг квадрат километр майдонга эга бўлиб, пойтахти — Будапешт шаҳри нафақат мамлакатнинг, балки бутун Европанинг маданий ва сиёсий марказларидан бири саналади.

Ўзбекистон ва Венгрия ўртасидаги муносабатлар сўнгги йилларда жадал суръатларда ривожланиб, стратегик ҳамкорлик даражасига кўтарилмоқда. Айниқса, соғлиқни сақлаш, таълим, қишлоқ хўжалиги, фармацевтика, “яшил” энергетика каби йўналишларда бир қатор лойиҳалар рўёбга чиқариляпти.



Ўзбекистон ёшлари учун Венгрияда ажратиладиган таълим грантлари сони ортиб бораётгани, илмий ҳамкорликнинг мустаҳкамланаётгани икки халқ ўртасидаги маданий алоқаларга ҳам ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Ўзбекистон бу борадаги саъй-ҳаракатларини халқаро майдонда ҳам тақдим этмоқда. Вена, Брюссель ва Будапешт каби марказларда юртимизда амалга оширилаётган экология, таълим, инновация йўналишларидаги ислохотлар қизиқишларга сабаб бўлмоқда.

## Венгрия ОАВ: ЎЗБЕКИСТОН ТУРКИЙ ДАВЛАТЛАР ТАШКИЛОТИНИНГ ДИНАМИК ЕТАКЧИСИ СИФАТИДА НАМОЁН БЎЛДИ

Венгрия етакчи оммавий ахборот воситалари Президент Шавкат Мирзиёевнинг Будапешт шаҳрига ташрифи арафасида Ўзбекистонда кечаётган ислохотлар ва мамлакатимизнинг Туркий давлатлар ташкилотидаги иштирокини кенг ёритди.

### Дунё нигоҳи

Жумладан, “Hungarian Conservative” ахборот-таҳлилий нашрида “Ўзбекистоннинг Туркий давлатлар ташкилотидаги етакчилиги: Президент Шавкат Мирзиёевнинг қарашлари” сарлавҳали мақола эълон қилинди. Нашрда Ўзбекистон Туркий давлатлар ташкилоти (ТДТ) доирасида минтақавий ҳамкорликни, иқтисодий интеграцияни ва туркий тили мамлакатлар ўртасида маданий бирликни мустаҳкамлаш

учун Марказий Осиёдаги стратегик жойлашувидан фойдаланган ҳолда асосий иштирокчига айлангани қайд этилган. “Президент Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида Ўзбекистонда ТДТ кун тартибини белгилаб берувчи ва унинг халқаро майдондаги таъсирини кучайтирувчи қатор чуқур ислохотлар бошланди. Бу саъй-ҳаракатлар Ўзбекистоннинг минтақавий хавфсизлик, барқарор ривожланиш ва туркий давлатлар ўртасида умумий фаровонлик тарафдори эканини кўрсатади”, деб ёзилган материалда.



## Сенат қўмиталарида

ЎРГАНИШ ЯКУНЛАРИ  
САРҲИСОБИ

Аввал хабар қилганимиздек, Олий Мажлис Сенатининг Халқро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси махсус иқтисодий зоналар самарадорлигини ўрганган эди. Куни кеча ўрганиш якунлари муҳокамасига бағишланган мажлис ўтказилди.



рилаётган ишлар ўрганилган.

Натижаларига кўра МИЗ фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш, хорижий ҳамда маҳаллий инвестицияларни жалб этиш, ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва доимий иш ўринларини яратиш борасида мақсадли ишлар олиб боришмоқда.

Хусусан, 2020 йилда қабул қилинган “Махсус иқтисодий зоналар тўғрисида”ги Қонун билан МИЗни ташкил этиш ва уларнинг фаолият кўрсатишига доир ҳуқуқий муносабатлар ҳамда тартиб-таомиллар тақомиллаштирилиб, маъмурий функцияларни номарказлаштириш, МИЗ дирекцияларининг ваколатларини кенгайтириш орқали уларнинг фаолиятини бошқариш механизми соддалаштирилган.

Ўрганилган ҳудудларда, жумладан, Андижон вилоятидаги “Андижон-фарм”, “Машинасозлик ва электротехника”, Жизжақ вилоятидаги “Зомин-

фарм” ва “Жиззах”, Наманган вилоятидаги “Косонсой-фарм” ва “Наманган”, Сирдарё вилоятидаги “Сирдарё-фарм” ва “Сирдарё”, Сурхондарё вилоятидаги “Термиз” ҳамда Тошкент вилоятидаги “Ангрен”, “Бўстонлик-фарм” ва “Паркент-фарм” МИЗда 28,3 трлн. сўмлик 195 та лойиҳани амалга ошириш ҳисобига 30 мингдан зиёд доимий иш ўринлари яратилган.

Шунингдек, МИЗ иштирокчилари томонидан 2024 йилда 27 трлн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, экспорт ҳажми қарийб 253 млн. АҚШ долларини ташкил этган. Йиғилишда сенаторлар томонидан МИЗда инвестиция лойиҳаларини татбиқ қилишда айрим камчилик ва муаммолар мавжудлиги ҳам кўрсатиб ўтилди.

Хусусан, МИЗ фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини янада тақомиллаштириш, жумладан, МИЗни хусусий бошқарувга бериш, экспортга ихтисослаштириш, ер майдонларини аукционга чиқариш тартибини янада соддалаштириш бўйича тавсиялар берилди.

Мажлис якуни бўйича қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

ЭКИЛГАНИ ЭМАС,  
КЎКАРГАНИ ҲИСОБ

Олий Мажлис Сенатининг Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология қўмитаси ишчи гуруҳи мамлакатимизнинг турли ҳудудларида бўлиб, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида амалга оширилган ишлар ҳолатини ўргангани борасида хабар берган эдик.

Кеча мазкур қўмита мажлисида Экология, агро-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги мутасаддиларининг “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида ҳудудларни қўламазорлаштириш, дарактлар экиш ва парварилаш, “Яшил белбоғлар” барпо этиш борасида амалга оширилган ишлар тўғрисидаги ахбороти эшитилди.

Таъкидланганидек, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида жорий йил баҳорги мавсумда 136 млн. туپ даракт ва бутта қўчати экилган.

Бундан ташқари, давлат ўрмон фонди ерларида 126 минг гектар майдонда ўрмонзорлар барпо этиш ва қайта тиклаш тадбирлари амалга оширилган. Орол денгизининг қуриган туби ва Оролбўйи минтақасида 124,5 минг гектар майдонда яшил қўламалар яратилиб, 1,5 минг гектарда ўрмонлаштириш ишлари ташкил қилинган.

Ўрмон ҳўжаликлари томонидан яшил ҳудудлари етарли бўлмаган 1024 та маҳаллага 808 минг туپ, Экология жамғармаси ҳисобидан мактаб ва мактабгача таълим ташкилотларида 409 минг туپ, соғлиқни сақлаш муассасаларига 493 минг туپ қўчат етказиб берилган.

Йиғилишда “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасини амалга оширишда камчиликларга ҳам йўл қўйилганлиги сенаторлар томонидан таъкидланди. Жумладан, баҳор мавсумида экилган қарийб 14 минг туپ қўчатнинг сугориш тизими ташкил этилмаган. Айрим ҳолларда ҳудудларнинг тупроқ-иқлим шароитидан келиб чиқиб даракт ва буталарнинг мос турлари танланмасдан экилган.

Баъзи вазирлик, идора ва тармокларда даракт экиш тадбирларига етарли даражада эътибор қаратилмагани қайд этилди. Экилган қўчатларни парварилаш, сугориш, пайҳон қилишнинг олдини олиш ишлари ҳам талаб даражасида бажарилмаган. Ҳокимлик, вазирлик, идора ва ташкилотлар томонидан аввалги мавсумларда экилган, табиий ва бошқа омиллар ҳисобига қуриб қолган дарактларни хатловдан ўтказиш,

улар ўрнига янги қўчатларни экиш амалиётига эътибор қаратилмагани ачинарлидир.

Қурилиш материаллари, энергетика ва металлургия соҳасидаги саноат корхоналарининг ҳар бири 5 гектардан майдонда “яшил белбоғлар” барпо этишга баъзи ҳудудларда беларволик қилинган. Масалан, Жизжақ, Фарғона, Қашқадарё, Тошкент ва Наманган вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрида саноат корхоналарида шундай манзарани қузатиш мумкин.

Шунингдек, агро-муҳитга таъсир хавфи бўйича I ва II тоифадаги 1 306 та саноат корхонасининг 419 тасида қўчат экиш ишлари етарли даражада ташкил этилмаган.

Муҳокама давомида камчиликларни бартараф қилиш юзасидан масъулларга қатор тақлиф ва тавсиялар берилди. Хусусан, экилган қўчатлар ҳақидаги маълумотларнинг “Yashilmakon.eco” электрон платформасига ўз вақтида ва ҳаққоний қиритилишини таъминлаш, қузги мавсумда ҳар бир ҳудуднинг иқлими, тулроқ шароитларидан келиб чиққан ҳолда даракт тури ва экиш жойларини белгилаш лозимлиги таъкидланди.

Йирик саноат корхоналари атрофи ва уларга туташ ҳудудларда ҳамда чиқинди полигонлари атрофларида “яшил белбоғлар” барпо этишга алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги айтилди.

Қўмита мажлисида муҳим экологик саналардан бири бўлган — Халқаро биологик жилмаҳиллик кунининг мазмун-моҳияти хусусида ҳам агрофлича маълумот берилди.

Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг аграр, сув ҳўжалиги ва экология масалалари бўйича доимий комиссиялари аъзолари учун “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасини амалга оширишда депутатлик ва жамоатчилик назоратининг муҳим жиҳатлари хусусида семинар ташкил этилди.

Мажлис якунида қўрилган масала юзасидан қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

## Сиёсий партиялар фракцияларида

## ЮРТ РАВНАҚИ АСОСИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзЛиДеП фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Президентимиз раислигида шу йил 15 май куни мактаб таълими тизимидаги ислохотлар самарадорлигини янада ошириш бўйича устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишининг аҳамияти ҳақида сўз юритилди.

## Таъкидланганидек,

сўнгги йилларда мамлакатимизда таълим соҳасини ислоҳ қилиш ва уни замонавий талабларга мослаштириш, ёшларнинг сифатли билим олиши учун зарур шароитлар яратиш, тизимнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга қаратилган кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, охириги етти йилда мактабгача ва мактаб таълими учун маблағ 7 қарра оширилиб, бу йил 60 трлн. сўм ажратилди.

Фракция аъзолари ушбу йиғилишнинг аҳамияти ҳақида тўхталар экан, мазкур соҳани ривожлантириш, уни янги босқичга олиб чиқиш бўйича белгиланган муҳим вазифалар таълим сифати ва самарадорлигини ошириш, ўқитувчи ва тарбиячиларнинг нуфузини юксалтириш, ёш авлодининг замонавий билим, қўникмаларни эгаллашига хизмат қилишини қайд этиди.

Депутатлар ЎзЛиДеП Сайловолди дастурида ҳам мактабгача таълимга бўлган эътиҳжн тўлиқ қондиришни кафолатлаш, мактабгача таълим ташкилотлари ва умумий ўрта таълим муассасалари педагог ходимларининг ўртача иш

ҳақини 2 баробар ошириш устувор вазифа сифатида ўрин олганилигини, шундан келиб чиқиб, партия ва унинг парламентдаги фракцияси қўйилган вазифалар ихросини таъминлашда фол иштирок этишини таъкидлашди.

— Мамлакатни қудратли, миллатни буюк қиладиган куч — бу илм-фан, таълим ва тарбия эканлиги исбот талаб этмас ҳақиқатдир, — деди ЎзЛиДеП фракцияси раҳбари Ақтам Ҳайитов. — Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган муҳим ташаббусларнинг ҳаётга татбиқи депутатлар зиммасига ҳам катта масъулият юклайди. Биз ушбу йўналишдаги ислохотлар самарадорлигини ошириш, соҳанинг ҳуқуқий асосларини тақомиллаштириб боришга алоҳида эътибор қаратамиз.

Йиғилишда туман ва шаҳарларда ер солиғи ҳамда ижара тўловлари учун оширувчи ва камайтирувчи коэффицентларни белгилаш тартиби бўйича маҳаллий Кенгаш депутатлари билан ўтказилган семинар натижалари ҳам қўриб чиқилди.

Йиғилишда муҳокамадаги масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

ВАТАНҚАВАР ЁШЛАРНИ ТАРБИЯЛАШ —  
УСТУВОР МАҚСАД

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги “Миллий тикланиш” демократик партияси фракцияси йиғилишида Президентимиз раислигида мактаб таълими тизими юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишининг мазмун-моҳияти диққат марказида бўлди.

Янги Ўзбекистонда таълим соҳасида амалга оширилаётган ўзгаришлар натижаси мактабгача таълим тизимида кўзга яққол ташлананди. Бундан етти-саккиз йил олдин боғча қамрови атиги 10 — 12 фоиз эди. Сўнгги етти йилда ушбу йўналишда олиб борилган қатъий ва самарали ислохотлар натижасида бугун бу кўрсаткич 78 фоизга етди. Ҳозирги вақтда мамлакатда 7 мингта давлат ва 31 мингдан зиёд хусусий боғчалар фаолият юритмоқда.

Фракция аъзолари боғча тарбияланувчиларига ҳаётий қўникмалар, миллий ва умуминсоний қадриятларни сингдира оладиган, ватанпарварлик руҳида тарбиялайдиган педагоглар зарурлигидан келиб чиқиб, олий маълумотли тарбиячилар тайёрлашни кўпайтириш, бунинг учун иш ҳақини ошириб, тарбиячиликни жо-

зибадор касбга айлантириш тақлифларини илгари сурган эди.

Бугун боғча тарбиячилари ойлик маоши 65 фоизга кўтарилиб, мактаб ўқитувчилариникига тенглашди. Янги ўқув йилидан боғча мудирларининг иш ҳақи 7 — 10 миллион сўмдан ошди. Лекин боғчалардаги сифат ҳамон талаб даражасида эмас.

Видеоселектор йиғилишида давлат раҳбари айнан ушбу масалага ҳам тўхталиб, қамров кенгайгани, лекин сифат бўйича қиладиган ишлар кўплиги, боғчалар нафақат тарбия, балки болада таълим олиш учун илк қўникмаларни шакллантирадиган масканга айланиши кераклигини алоҳида таъкидлади.

Тадбирда “Миллий тикланиш” ДП узоқ йиллардан бўён болалар маънавиятига салбий таъсир кўрсатувчи манбалардан ҳимоя қилиш, тўғри ах-

сида”ги қарорга мувофиқ автобусда йўловчи ташиш хизматларини кўрсатувчилар билан ҳисоб-китоблар “босиб ўтилган йўл” ва “сифат” мезонлари асосида амалга оширилиши йўлга қўйилди.

Шунингдек, жамоат транспортидан фойдаланишда йўловчилар учун қўлай тарифлар, жумладан, имтиёзли ва бепул, чекланган ва чекланмаган, рағбатлантирувчи тарифлар белгилангани ҳамда автоматлаштирилган тўлов тизими жорий этилгани аҳолига қўлайлиқлар яратиш билан бира жамоат транспортидан фойдаланиш жозибадорлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Бугунги кунда жамоат транспорти мунтазам равишда замонавий автобус ва электробуслар ҳисобига янгиланиб боришмоқда. Тадбиркорларга қўшимча қўлайлик яратиш мақсадида шахар жамоат транспортига мўлжалланган автобуслар со-

ришдаги долзарб йўналишлар ҳақида фикр алмашилди.

Тадбир якунида Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси ҳамда Жамоат ҳавфсизлиги университети ўртасида ҳамкорлик меморандуми имзоланди.

Сўзга чиққанлар ушбу меморандум жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги чора-тадбирларни изчил амалга оширишда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилишини таъкидлашди.

«Халқ сўзи».

## Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

Коррупциявий омилларнинг олдини олиш:  
НАЗОРАТ, ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖА

Шу йил 5 март куни ўтказилган Коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий кенгаш йиғилишида давлатимиз раҳбари коррупцияга қарши курашишда парламент, миллий ва ҳудудий кенгашлар, фуқаролик жамияти институтларининг роли оширилишини таъкидлаган эди.

Билдирилган тақлифлардан келиб чиқиб, жорий йилнинг апрель ойида Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасида соғлиқни сақлаш тизимида коррупцияга қарши курашиш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳолати Тошкент ва Қашқадарё вилоятлари мисолида назорат-таҳлил тартибида ўрганилди.

Кеча Қонунчилик палатасининг Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасида Соғлиқни сақлаш вазирлигининг “Тиббиёт соҳасида коррупцияга қарши курашиш борасида амалга оширилган ишлар тўғрисида”ги ахбороти эшитилди.

Соғлиқни сақлаш тизимида бу борада муайян ишлар амалга оширилгани таъкидланди. Шундай бўлса-да, ҳали ўз ечимини қутаётган айрим масалалар борлиги ҳам қайд этилди. Хусусан, вазирлик тизимида коррупцияга қарши ички назорат тузилмаси фаолияти етарли даражада йўлга қўйилмаган. Яъни бугунги кунда вазирлик тизимида қамлаёнсиз назорат вазифаси юклатилган ходимларнинг етарли технология ресурслар билан таъминланмагани, тизимда коррупциявий хавф-хатар юқори бўлган лавозим-



лар тавсифи, унинг даражаси ҳамда уларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилмагани, “сирли мижоз”, “рейд” каби тадбирларнинг амалга оширилмагани натижасида коррупциявий жиноятлар юз бериши қўйи тизимда маийшй коррупциянинг авж олишига сабаб бўлмоқда.

Эшитишда рақамлаштириш орқали коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштиришга етарлича эътибор қаратилмагани, жумладан, бугунги кунда вазирлик тизимидаги ўзаро интеграцияланиши лозим бўлган 53 та ахборот тизимидан аксарияти интеграция қилинмагани эътирозга сабаб бўлди.

Қайд этилганидек, соғлиқни сақлаш тизимида аҳолининг норозилигига сабаб бўлаётган масалалардан

бири — ишга қабул қилишнинг шаффоф эмаслиги. Қонунчилик палатаси депутатлари томонидан Тошкент, Қашқадарё, Андижон, Фарғона, Жизжақ, Наманган, Сирдарё вилоятларида соғлиқни сақлаш соҳаси-

да ишга олиш масаласи ўрганилганда танлов босқичлари, жараён аниқ регламентлаштириб берилмаганлиги натижасида кўплаб қонунбузлиш ҳолатларига йўл қўйилаётгани аниқланган.

Ўрта тиббиёт ходимларини ишга қабул қилиш тартиби вазирлиқнинг бўйру-

ғига асосан амалга оширилади. Бироқ унда номзодлар танловда иштирок этишининг очик ва шаффоф механизми яратилмагани оқибатида бу жараёнда тамағирлик ҳолатларига барҳам берилмапти. Жумладан, Косонсой, Пискент, Богдо, Кийто туманлари, Чирчиқ, Қарши, Шаҳрисабз шаҳарлари тиббиёт бйрлашмаларида ишга қабул қилиш ўрганилганда ўрта тиббиёт ходимларини фақат танлов асосида ишга олиш белгиланган бўлса-да, амалда айрим ҳолатларда ҳатто танловсиз оли-наётгани маълум бўлди.

Савол-жавобларга бой бўлган эшитишда депутатлар томонидан айрим тиббиёт муассасаларида ордер беришда навбатга риоя қилмаслик, аҳолига бепул дорй воситаларини етказиб беришдаги суиистеъмолчилик,

жаррохлик амалиётини ўтказишда фуқаролардан маблағ сўраш ҳолатлари қўпайиб бораётгани қайд этилиб, уларни бартараф қилиш бўйича тақлифлар берилди.

Ўрганиш жараёнида кўпгина соғлиқни сақлаш муассасаларида амалдаги бюджет интизоми ва давлат харидлари қонунчилигини бузиш ҳолатлари, сохта тендерлар, уларни “айланиб ўтиш тажрибалари” мавжудлиги аниқланиб, бундай ҳолатларнинг олдини олиш бўйича масъулларга аниқ вазифалар қўйилди.

Қайд этилганидек, 2024 йил давомида вазирлик ва унинг қўйи тизимларида коррупцияга оид 514 та жиноят рўйхатга олинган. Улардан 166 таси ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-тороҳ қилиш, 119 таси фибрибларлик, 79 таси пора бериш, 101 таси мансаб сохтакорлиги, 13 таси пора олиш, 24 таси мансаб ваколати суиистеъмоли, 9 таси товламачилик жиноятларини ташкил этган.

Эшитиш якунида Соғлиқни сақлаш вазирлигига коррупцияга қарши курашиш борасида жамоатчилик ва аҳоли билан доимий қайта алоқа қилиш тизимини йўлга қўйиш, “комплаенс назорат” бўлинмалари фаолиятини ҳамда коррупциявий ҳолатларга шароит яратиб бераётган идоравий ҳужжатларни қайта қўриб чиқиш, айбдор шахсларнинг жавобгарлиги масаласини ҳал этиш бўйича тақлифлар берилди.

Кун тартибидеги масала юзасидан қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

## Форум

ДУНЁНИНГ  
ФАОЛ АЁЛЛАРИ  
ЖАМ БЎЛДИ

Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, хотин-қизлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси Орзугул Қозихонова Россия Федерациясининг Татаристон пойтахти Қозон шаҳрида бўлиб ўтган XVI “Россия — Ислон дунёси: KazanForum” халқаро иқтисодий форуми доирасида “Аёллар нигоҳи” сессиясида иштирок этди.

Сессияда йигирмата мамлакатдан келган 300 дан зиёд вакилар, хусусан, давлат органлари, бизнес, фан ва жамоатчиликнинг етакчи аёллари қатнашди.

Тадбирда аёллар етакчилиги, уларнинг иқтисодий жараёнлардаги иштироки, тадбиркорликни ривожлантириш ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш масалалари муҳокама марказида бўлди.

Турли мамлакатлардан келган иштирокчилар ўз тажрибалари билан ўртоқлашиб, халқаро шерикликни янада ривожлантириш имкониятлари ҳақида фикр алмашди.

Сессия ишда мамлакатимиз парламенти вакили сўзга чиқиб, Ўзбекистонда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, улар саноатини рўёбга чиқариш, стартап ҳамда инновацион лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш, таълим, соғлиқни сақлаш, бизнес соҳаларидаги фаоллигини оширишга қаратилган давлат сиёсати ҳақида маълумот берди. Аёлларнинг иқтисодий фаоллиги ва жамиятдаги ўрнини мустаҳкамлашда Ўзбекистон тажрибаси иштирокчилар эътиборига ҳавола қилинди.

Мазкур форум доирасида, шунингдек, сенатор қатор учрашувлар ўтказди. Уларда икки томонлама ҳамкорликни мустаҳкамлаш, илгор тажрибаларни ўзаро алмашиш масалалари муҳокама этилди.

«Халқ сўзи».

МУНОСАБАТЛАРИМИЗ ЎЗАРО ИШОНЧГА АСОСЛАНГАН

Айни пайтда Президентимиз Венгрия Бош вазирининг таклифига биноан расмий ташириф билан ушбу мамлакатда бўлиб турибди. Ташириф мамлакатларимиз ўртасидаги амалий ҳамкорлик ва стратегик шерикликини янада кенгайтиришга хизмат қилади. Боиси Ўзбекистон ва Венгрия икки томонлама ҳамкорликини янада кенгайтириш учун юқори имконият ва салоҳиятга эга мамлакатлар ҳисобланади.



Кейинги йилларда мамлакатлар ўртасида савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлик изчил ўсиб борапти. Буни ўзаро товар айирбошлаш ҳажмининг 3 баробарга ортиши ҳам қўриш мумкин.

Ўзбекистоннинг Венгрияга экспорти асосини тўқимачилик, хизматлар, озиқ-овқат, пластмасса ва ундан тайёрланган маҳсулотлар ташкил этади. Ўз навбатида, Ўзбекистон Венгриядан фармацевтика, чорвачилик маҳсулотлари, механик ҳамда электр ускуналари ва бошқа товарлар импорт қилади.

Бугунги кунда Ўзбекистонда Венгрия капиталли ишторикда ташкил этилган 16 корхона муваффақиятли фаолият олиб бормоқда. Уларнинг 10 таси қўшма корхоналардир.

Айтиш жоизки, Ўзбекистон

ва Венгрия БМТ, ЕХХТ, Туркий давлатлар ташкилоти ва бошқа халқаро институтлар доирасида тўлақонли ҳамкорлик қилмоқда. Мамлакатларимизнинг глобал кун тартибидеги долзарб масалалар бўйича нуктаи назарлари яқин ва бир-бирига мос келади.

Давлатимиз раҳбарининг Венгрияга таширфи икки мамлакат ўртасида бошланган ҳамкорликини изчил давом эттириш, стратегик шерикликини янада мустаҳкамлаш, умуман олганда, ўзаро муносабатларни сифат ва мазмун жиҳатдан бойитган ҳолда, янги имкониятлар эшикларини очади.

**Комила КАРОМОВА,**  
**Республика Маънавият ва**  
**материал маркази**  
**Қашқадарё вилояти**  
**бўлими раҳбари,**  
**Олий Мажлис Сенати аъзоси.**

ХАЛҚЛАРИМИЗНИНГ ТАРИХИЙ ИЛДИЗЛАРИ МУШТАРАК

Венгрия Ўзбекистондаги бизнес фаолияти кўламлигини кенгайтиришдан ҳамда мамлакатимиз иқтисодиётининг қатор тармоқларида мавжуд бўлган салмоқли sanoat соҳасидан манfaatдор. Асосийси, бугунги кунга кадар юқори қўшимча қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва келажакда уларни учинчи мамлакатлар бозорларига экспорт қилиш мақсадида юқори технологияга асосланган ишлаб чиқаришларни яратишга қаратилган қўшма инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича келишувларга эришилганлигини алоҳида қайд этиш зарур.

Президентимизнинг ушбу мамлакатга таширфи ўзбек — венгер алоқаларини чуқурлаштириш ва юқори даражага кўтариш сари муҳим қадам бўлди. Имзоланган икки томонлама ҳужжатлар ҳамда илгари сурилган ташаббуслар мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий, маданий ҳамда парламентлараро алоқаларни янги босқичга олиб чиқишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.



**Оригул ҚОЗИХОНОВА,**  
**Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, хотин-қизлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси.**

Венгрия ОАВ:

ЎЗБЕКИСТОН ТУРКИЙ ДАВЛАТЛАР ТАШКИЛОТИНИНГ ДИНАМИК ЕТАКЧИСИ СИФАТИДА НАМОЁН БЎЛДИ

Шунингдек, мақолада Ўзбекистон 2022 йилда ТДТга раислик қилганидан бери ташкилот мақсадларини илгари суришда марказий роль ўйнагани урғулانган.

"Hungarian Conservative" порталида ёзилишича, 2022 йилда Самарқандда бўлиб ўтган ТДТ саммити муҳим воқеа бўлди, унда Ўзбекистон Туркиядан раисликини қабул қилиб олди. Президент Шавкат Мирзиёев иқтисодий интеграция, инфратузилмани ривожлантириш ва маданий алмашинувга эътибор қаратган ҳолда ҳамкорликини мустаҳкамлаш стратегиясини белгилаб берди.

"Президент Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида Ўзбекистон Туркий давлатлар ташкилотининг динамика етакчиси сифатида намоён бўлди. Иқтисодий алоқалар, минтақавий хавфсизлик ва барқарор ривожланишга қаратилган ташаббуслар орқали Ўзбекистон нафақат туркий давлатлар ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамламоқда, балки жаҳон миқёсида ҳам муносиб ўрин эгалламоқда. Шавкат Мирзиёев ТДТни олдинги силжитишда давом этар экан, Ўзбекистоннинг таъсири кучайиб, туркий дунёда фаровонлик ва бирлиكنинг янги даврини бошлаб берди", дейилади мақола хулосасида.

Венгриядаги энг қадимги ва машҳур кундалик босма нашрлар-

дан бири "Magyar Nemzet" газетасида "Дипломатик юксалиш: Турк дунёси Будапештга эътибор қаратмоқда" сарлавҳали мақола ўз ўқувчилари эътиборига тақдим қилинди. Мақолада шу йилнинг 20-21 май кунлари Будапештда Туркий давлатлар ташкилотининг норасмий саммити бўлиб ўтиши айтилган. "Варкерет бозори мажмуасида бўлиб ўтадиган саммитда Туркия, Озарбайжон, Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон етакчилари, шунингдек, ТДТ бош котиби иштирок этади, — деб таъкидланган материалда. — Экспертларнинг фикрича, ТДТ Марказий Осиё ва Евроосиё минтақасидаги сиёсий ва иқтисодий жараёнларнинг муҳим иштирокчисига айланиб бормоқда".

Мазкур газетада эълон қилинган навбатдаги мақола Туркий давлатлар ташкилотининг минтақавий ҳамкорликини ривожлантиришдаги ўрнига бағишланди. "Туркий давлатлар ташкилоти Марказий Осиё ва Евроосиёдаги сиёсий ва иқтисодий жараёнларнинг тобора муҳим иштирокчисига айланиб бормоқда. Минтақанинг ривожланиши глобал нуктаи назардан эътиборга лойиқ бўлиб, ўзаро ҳамкорлик ва муштарак маданий илдишлар туркий давлатлар билан "Шарққа очилиш" сиёсати доирасидаги иқтисодий алоқалар учун ажойиб замин яратяпти", дея Венгрия ташки сиёсат институти катта илмий ходими, профес-

сор Ласло Ваша сўзларидан иқтибос келтирилган нашрда.

Шунингдек, Венгриянинг "Eurasia" таҳлилий маркази расмий сайтида "Венгрия ва Туркий давлатлар ташкилотининг бугуни ва келажаги" сарлавҳали таҳлилий мақола жойлаштирилди. Унда Венгрия Бош вазиринг Виктор Орбаннинг таклифига биноан ТДТнинг Будапештдаги норасмий саммитида Туркия Президенти Режеп Таййип Эрдоган, Озарбайжон Президенти Илҳом Алиев, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев, Қозоғистон Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев, Қирғизистон Президенти Садир Жапаров, Туркий давлатлар ташкилоти бош котиби Кубанчибек Омуралиев иштирок этиши баҳар қилинган.

Мақолада, шунингдек, Венгрия ва Ўзбекистон ўртасидаги иқтисодий муносабатлар сўнгги етти йилда янги босқичга кўтарилгани таъкидланган. Венгриянинг янги ташки сийосатининг муҳим натижаларидан бири Тошкентда Венгрия элчихонасининг очилиши бўлди. Шу билан бирга, икки давлат етакчиларининг тез-тез ўтказилаётган учрашувлари Венгрия — Ўзбекистон иқтисодий ва дипломатик алоқалари жадал ривожланиб бораётганининг ёрқин на-

мунасибидир. "2021 йил март ойда Венгрия Бош вазиринг Виктор Орбан расмий таширф билан Ўзбекистонга борди ва у ерда Президент Шавкат Мирзиёев томонидан қабул қилинди. Тошкент учрашуви чоғида Венгрия ва Ўзбекистон Бош вазирлари икки давлат ўртасидаги стратегик шериклик тўғрисидаги қўшма декларация ва 2021 — 2023 йил-

мумкинки, мамлакатларимиз мулоқотнинг янги босқичига кўтарилди, бунда туризм муҳим, интеграцион роль ўйнайди", дейилган манбада.

Таъкидланишича, Венгрия фуқароларининг Ўзбекистонга қизиқиши ортиб бормоқда. Уларни Ўзбекистоннинг бой тарихий ва маданий меросини замонавий инфра-



ларга мўлжалланган ҳамкорлик дастурини имзоладилар", дея қайд этилган порталда.

Ушбу мамлакатнинг машҳур "Hello Magyar" онлайн нашрида эса "Ўзбекистон ва Венгрия: туризм ҳамкорлигининг ўсиш нукталари" сарлавҳали мақола эълон қилинди. Унда Ўзбекистон ва Венгрия ўртасидаги туризм соҳасидаги ҳамкорлик тобора жадал ва сермахсул бўлиб бораётгани қайд этилган.

"Сўнгги йилларда ҳам бизнес алоқаларини, ҳам маданий алмашинуви қамраб олувчи стратегик шериклик учун мустаҳкам пойдевор яратилди. Бугун ишонч билан айтиш

тузилма билан уйғунлаштирган ноёб сайёҳлик йўналишлари ўзига фаол жалб қилмоқда. "Бошқа томондан, Венгрия Ўзбекистон туризми учун барқарор ва кўп қиррали бозор ҳисобланади. Ўзбекистон фуқаролари Венгрияга маданий, соғломлаштириш ва ишбилармонлик туризми мамлакатини сифатида қизиқиш билдирмоқда. Будапештнинг термал курортлари, гастронормий йўналишлари ва мезморий мероси ўзбек сайёҳида катта қизиқиш уйғотмоқда", деб ёзган муаллиф.

«Дунё» АА.  
Будапешт

БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШНИНГ ЯНГИ ДАВРИ

Давлатимиз раҳбари Будапештга расмий таширфи доирасида дастлаб Венгриянинг йирик компания ва банклари раҳбарлари билан учрашгани бежиз эмас. Чунки бугунги кунда Венгриянинг Ўзбекистон иқтисодиётига тўғридан-тўғри инвестициялари жадал ўсиб бормоқда.

Президентимиз учрашувдаги нуктида иқтисодий шерикликини кенгайтириш мақсадида қатор устувор йўналишларни кўрсатиб ўтди. Қўшма лойиҳаларни биргаликда молиялаштириш ва тайёр маҳсулотларни учинчи мамлакатларнинг истиқболли бозорларига экспорт қилишни қўллаб-қувватлаш масалаларига алоҳида урғу берилди.

Шунингдек, Венгрия компанияларининг қўшма лойиҳаларни амалга оширишга қизиқиши юксак баҳоланди. Икки мамлакат ишбилармон доиралари ўртасидаги мустаҳкам алоқаларни ривожлантириш учун барча шароит яратилиши таъкидланди.

Учрашув якунида бир қатор келишувларга эришилганини алоҳида қайд этиш жоиз. Шубҳасиз, булар транспорт ва йўл инфратузилмасини модернизация қилиш, логистика марказлари ва коммунал тармоқларни барпо этиш, қурилиш материаллари, тайёр тўқимачилик, кимё, фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқариш каби йўналишларда янги лойиҳаларни рўёбга чиқаришга хизмат қилади.

Маълумки, бугунги кунда икки мамлакат парламентлари делегацияларининг ўзаро таширфлари ва учрашувлари мунтазамлик касб этиб, фаоллашиб бормоқда. Таширф доирасида давлатимиз раҳбарининг Венгрия Миллий мажлиси спикери Ласло Кёвер билан учрашувида бу ҳақда алоҳида тўхталиб ўтилди. Айни вақтда имзоланган битимларни амалга оширишга кўмаклашиш, дўстлик гуруҳлари ишини фаоллаштириш, энг аввало, ҳудудларни ривожлантириш, ижтимоий химоя, солиқ ва рақамлаштириш соҳаларида қонун ижодкорлиги бўйича тажриба алмаштириш учун тегишли қўмиталар ўртасида алоқаларни йўлга қўйиш муҳимлигига эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Президентининг Венгрияга расмий таширфи ва унинг доирасида ўтказилаётган музокаралар икки томонлама муносабатлар тарихидаги муҳим сиёсий воқеадир. Бу таширф стратегик шерикликини, халқларимиз ўртасида дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлайди.

Гулҳебра ТОЖИХОНОВА,  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты.

КЕЛАЖАК ЛИДЕРЛАРИНИ КАШФ ЭТГАН МАЙДОН

Ўзбекистон таълим тизимида ҳар куни янги саҳифа, янги илғор ҳаракатлар. Ана шундай муҳим ташаббуслардан бири — "ТасИМО — 2025" — Тошкент халқаро математика олимпиадасининг финал босқичи 18 — 21 май кунлари пойтахтимиздаги Халқаро Нордик университетиде юқори савияда ташкил этилди.

Бу олимпиада фақат рақамлар ва формулалар беллашуви эмас, балки билим, интеллектуал салоҳият, халқаро дўстлик ҳамда маданият байрамига айланди. Унда Марказий Осиё давлатлари ҳамда Хитой Халқ Республикаси, Германия, Болгария, Мўғулистон, Грузия, Бирлашган Араб Амириликлари ва Россиядан сараланган иқтидорли ўқувчи-ёшлар, миллий терма жамоалар қатнашди.

Олимпиада

Беш юз мингдан кўп йигит-қизлар қатнашган илк онлайн босқичдан бошлаб, ҳар бир ўқувчининг финалга етиб келиши — ҳақиқатан ҳам илм, изланиш ва заҳмат самарасидир. 14 та ҳудудда ўтказилган иккинчи офлайн босқичда 2 минг 983 нафар иштирокчидан 150 нафари сараланди ва финалга йўл олди. Хориждан эса 850 қатнашчидан 242 нафар иқтидорли ёш саралаб олинди. Шу билан бирга, "ТасИМО — 2024" қолиблари ва халқаро олимпиада тарбиясига эга бўлган миллий терма жамоалар тўғридан-тўғри финалда иштирок этиш имкониятига эга бўлди.



ватанпарвар ёшларни тарбиялаш учун барча шароитларни яратишимиз шарт ва зарур", деди Президент.

Давлатимиз раҳбари томонидан изчил олиб борилаётган ана шундай ислохотлар, қаҳриқларга жавобан юртимизда таълим, илм-фан ва маданият орқали иқтидорли, ижодкор ва маънавий баркамол ёшлар — ҳақиқий ватанпарварларни тарбиялаш барчамизнинг асосий мақсадимизга айланди.

Хусусан, Халқаро Нордик университети, "IDC" таълим маркази ташаббуси билан Олий таълим, фан ва инновациялар, Мактабгача ва мактаб таълими вазирликлари, Ўзбекистон Болалар омубдсмани, Жаҳон банки, ЮНИСЕФ халқаро ташкилоти, Рован университети (АҚШ) ва Карелия АФУ (Финляндия), "Халқ сўзи" ва "Народное слово" газеталари ҳамда "UzReport TV" ҳамкорлигида ташкил этилган "ТасИМО — 2025" олимпиадаси ёш авлодга ишонч ва рағбат, жамиятимиз келажаги учун энг эзгу ташаббуслардан биридир.

...18 май куни Халқаро Нордик университетида бўлиб ўтган халқаро аҳамиятга молик бўлган илм байрами — "ТасИМО — 2025" халқаро олимпиадаси финал босқичининг очилиш маросими — ёшларнинг илмга бўлган иштиёқи ва келажакка ишончини намоён этди. Илм-фанга садоқат, халқаро дўстлик ва тенг имкониятлар рамизи бўлган тарихий тадбир барчанинг хотирасида муҳрланди. "ТасИМО" — бу шунчаки олимпиада эмас, балки ёш авлодга ишонч, ватанпарварлик руҳини сингдирувчи, юртимизда энг иқтидорлилар "олтин фонди"ни бойитиш ва уларни глобал билим майдонига олиб чиқувчи мактабдир.

Финал босқичида қатнашган барча ёшларга "ТасИМО" рамизи акс этган махсус форма, эсдалик совғалари тақдим этилди. Ёшларни илмга йўналтирувчи, буюк авлодни тарбиялашга хисса қўшувчи мазкур билимлар беллашувиға расман старт берилар экан, барча иштирокчиларга синфлар кесимида тенг шароитларда, назоратчилар кузатуви остида шаффоф беллашиш имконияти яратилди.

— Ўзбекистон таълим тизимидаги ташаббусларнинг халқаро миқёсда намо-

ён бўлаётганининг яққол далилларидан бири, бу — ТасИМО каби олимпиадалардир, — деди Мўғулистоннинг Ўзбекистондаги элчихонаси биринчи котиби Тамир Сугарсурен. — Бундай халқаро платформалар ёшларга ўз салоҳиятини намоён қилиш, билим ва тажриба алмашиш имконини беради. Айниқса, минтақавий ҳамкорлик ва икки томонлама муносабатларни мустаҳкамлашда ҳам бу каби тадбирларнинг аҳамияти бекиёс.

Элчихонамиз номидан ушбу билим-



лар анжуманида қатнашаётганларни салимий табриклайман. Сизлар — бизнинг келажакимиз, илм-фан ва инновация таракқиётнинг асосий кучисиз. Хар бир иштирокчи ўз юртининг ифтихоридир. Сизларга куч-ғайрат, қатъият ва келгусида юксак марраларни забт этишингизда омад тилайман.

Таъкидлаш жоизки, ушбу нуфузли олимпиада натижалари нафақат маҳаллий, балки халқаро нуфузли ҳакамлар хайъати томонидан баҳоланмоқда. Олимпиада савол ва топшириқлари Шерзод Жумаев, Сардор Гафоров, Зариф Ибрагимов, Абдушуккур Аҳадов ҳамда Иван Каи Чан (Малайзия), Марек Мурин (Словакия), Давид Хруска (Чехия), Нафид Сафаев (Эрон), Влад Матеи (Руминия) ва Их Жай (АҚШ) каби халқаро ҳакамлар томонидан ишлаб чиқилган ҳамда танлангани ҳам олимпиаданинг ИМО каби нуфузли беллашув-

лашувда иштирок этмоқда ва биринчи ўрин учун курашмоқда. Саволлар бирмунча мураккаб, халқаро нуфузли олимпиадалар даражасида тузилганига қарамай, фарзандларим бор билимини қўллаб, тўғри ечим топишга интильди, — дейди ТасИМО финал босқичида қатнашган икки иқтидор эгаси Дариа ва Александернинг онаси. — Ушбу нуфузли олимпиадада нафақат ютуқ, балки иштирок этишининг

Интеллектуал беллашув — маҳорат ва ҳалоллик, келажак лидерларини кашф этиш майдони бўлди. Бугун, яъни 21 май куни "ТасИМО — 2025" қолибларини тақдирлаш ва муқофотлашга бағишланган тантанали тадбир ташкил қилинади. Бу илм ва ёшлар ривожини учун яратилаётган кенг имкониятлар байрамидир.

Айниқса, Тошкент вилояти, Бўстонлиқ туманида жойлашган "Green Hills Resort" масканда олимпиада доирасида ташкил этилган "Математика фестивали" билимдонларга унутилмас лаҳзалар туғуқ қилди. Табиатда ҳордик ва тоғ ҳавоси, қизиқарли интерфаол ўйинлар, аниматорлар билан шоулар завқли кечди.

"ТасИМО — 2025" мамлакатимизда таълим, илм-фан ва инновацияларга қаратилаётган эътиборнинг амалдаги ёрқин намунасидадир. Иккинчи бор ўтказилаётган Тошкент халқаро математика олимпиадаси Ўзбекистон келажакини шакллантирадиган ёшлар учун улкан имкониятлар яратиш ва уларни жаҳонга танитишга, дунё ёшлари орасида соғлом рақобат ва ўсишга йўл очмоқда.

Шерзод МУСТАФОҚУЛОВ,  
Халқаро Нордик университети ректори,  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.  
Озоджон ЗОЙИРОВ,  
«IDC» таълим маркази асосчиси.

Бразилияда ўтказилган Халқаро Менделеев кимё олимпиадасида Ўзбекистон терма жамоаси 7 та медални қўлга киритди.

